2006 ЙИЛ, 28 НОЯБРЬ, СЕШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 233 (10.790)

Баҳоси эркин нархда

XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Олий Мажлис Қонунчилик палатасида «Оила давлат ҳимоясида: ютуқлар ва муаммолар» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 14 йиллиги муносабати билан ташкил этилган мазкур тадбир «Адолат» социал-демократик партиясининг Хотин-қизлар Кенгаши ва республика «Оила» илмий-амалий маркази ҳамкорлигида ўтказилди.

● Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Истеъдод» жамғармаси йўлланмаси билан хориж олий таълим даргоҳлари ва илмий марказларида малакасини оширган ёш мутахассисларнинг тўртинчи илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди.

● Тошкент вилоятидаги Қибрай академик лицейида янги фойдаланишга топширилган ахборот-ресурс марказининг тақдимоти бўлиб ўтди. Тадбирда ахборот ресурс марказининг маълумот базасини ташкил этишда қандай омилларга алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги хусусида фикрлашиб олинди.

● Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўзбекистон Бадиий академияси ва «Камолот» ЁИҲ Марказий Кенгаши билан ҳамкорликда Тошкент Фотосуратлар уйида ёш рассомларнинг ижодий кўргазмасини ташкил этди.

● Тошкент Ирригация ва мелиорация институтида Голландиянинг Вагенинген университети билан ҳамкорликда TEMPUS TEAM IB JER -25204-2004 «Атроф-муҳит ҳолатини баҳолаш ва мониторинг соҳасида малака ошириш» лойиҳаси доирасида навбатдаги семинар ўтказилди.

● Ҳомилалар ва шифокорлар йили муносабати билан Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Фарғона вилояти Кенгашининг шаҳар, туман раислари ҳамда ходимлари иштирокида спортнинг етти тури бўйича спартакиада мусобақалари ташкил этилди.

● Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетининг талабалар ётоқхонасида олиб борилган тўла таъмирлаш ишлари ниҳоясига етди. Икки қисмдан иборат мазкур ётоқхонадаги таъмирлаш ишларини «Тахиатошгидроқурилиш» корхонаси амалга оширди ва унга жами 720 миллион сўм маблағ сарфланди.

● Иштихон туманидаги Ўзбекқўрғон маҳалласида қарияларнинг ташаббуси билан иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлганлар хотирасига бағишлаб ёдгорлик ўрнатилди.

ЖАҲОНДА

● Франция тарихида илк бор мамлакат президентлигига аёл киши сайланиши мумкин. Гап шундаки, социалистлар партиясидан номзоди кўрсатилган 53 ёшли Сиголен Руаял хоним партиялараро сайловларда энг кўп — 60,65 фоиз овозни олиб, асосий даъвогарлар сафидан жой олди. Францияда президент сайловлари 2007 йил 27 апрелда бўлиб ўтади.

● Эквадорнинг сўл кучлар вакили Рафаэл Корреа президент сайловларининг иккинчи босқичида рақибидан 14 фоиз кўп овоз олишга эришиб, ўзининг ғолиб чиққанлигини билдирди.

● Италиянинг собиқ бош вазири Сильвио Берлускони Монтекатини шаҳрида ёшлар олдида маъруза қилаётган чоғида тўсатдан ҳушини йўқотганлиги сабабли Миландаги шифохонанинг интенсив терапия бўлимига ётқизилди.

● Ўзининг телевидениега берган интервьюсида Италия бош вазири Романо Проди декабрь ойининг бошларида Ироқдан мамлакатнинг барча ҳарбийлари чиқиб кетишини билдирди.

● Латвия пойтахти Рига уч кун давомида ташқи дунёдан узилиб қоладиган бўлди. Гап шундаки, бу ерда НАТОнинг навбатдаги саммитига тайёргарлик кўрилмоқда. Саммитда альянсни кенгайтириш, Ироқдаги аҳвол Эроннинг ядро дастури каби масалалар кўриб чиқилади.

● Мексикада тоғ чўққисига улкан телескоп қурилди. Эндиликда олимлар мазкур қурилмадан коинотнинг очилмаган сирларини кашф этишда фойдаланишлари мумкин. Мазкур телескоп ёрдамида 13 миллиард йиллик масофадаги сайёраларни кузатиш имконияти мавжуд.

● Жанубий Кореяда ҳам парранда гриппи мавжудлиги аниқланди. Мамлакат пойтахти Сеулдан 70 километр узоқликдаги фермалардан бирида ушбу хасталикка чалинган 200 та товуқ бир неча кун ичида қирилиб кетди. Ўтказилган текширувлар натижасида вирусннинг инсон танасига ҳам юқиши мумкинлиги аниқланган.

● БМТнинг савдо ва ривожланиш Конференцияси томонидан тузилган «Ахборот иқтисоди ҳақидаги маъруза»да эълон қилинишича, Интернетдан фойдаланувчилар сони 1 миллиард кишига етди. Интернетдан энг кўп фойдаланувчи мамлакатларга келадиган бўлсак, биринчи ўринни АҚШ эгаллайди.

ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Гидрометеорология хизмати марказининг хабар беришича, 29 ноябрь куни Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, кечқурун ёғингарчилик бўлиши мумкин. Кечаси ва эрталаб айрим жойларда туман тушади. Шарқдан эсаётган шамол йўналишини ўзгартириб, ғарбдан секундига 7-12 метр тезликда эсади. Кечаси 1-3 даража совуқ, кундузи 6-8 даража иссиқ бўлади.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

Матбаа

ИЗЛАНИШ, ИНТИЛИШ САМАРАСИ



БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ШАРОИТИ ТАЛАБЛАРИДАН КЕЛИБ ЧИҚИБ ИШ КЎРАЁТГАН МАТБАА КОРХОНАЛАРИ ОРАСИДА ЎЗБЕКИСТОН МАТБУОТ ВА АХБОРОТ АГЕНТЛИГИНИНГ ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ НАШРИЁТ-МАТБАА ИЖОДИЙ УЙИНИНГ ЎЗ МУНОСИБ ЎРНИ БОР. ЗАМОН БИЛАН ҲАМНАФАС ҚАДАМ ТАШЛАЁТГАН КОРХОНА ТАДБИРКОРЛАРИ ДОИМИЙ ИЗЛАНИШДА.



Юртимиз матбаачилигида янада сифатли, юқори унумли, жаҳон андозаларига жавоб берувчи маҳсулотлар яратиш мумкин бўлган хорижий дастгоҳ ва ускуналарда ишлаш давр талаби эканлигини тўғри англаган мазкур корхона тадбиркорлари цехларни модернизациялаштирмоқда. Жорий йил охиригача нашриёт матбаа ижодий уйи цехида «Хелдерберг» етакчи компаниясининг замонавий маҳсулоти бўлмиш янги русумли босма машина келтирилиб, ўрнатилиши режаланган.

Тўрт рангли ушбу босма машинаси нафақат ишлаб чиқариш ҳажмини оширади, балки соҳада янги юқори сифат кўрсаткичларига эришишда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, корхонанинг асосий ишлаб чиқарадиган маҳсулоти — ўқувчиларга мўлжалланган дарсликларнинг сифати юқори даражага кўтарилади. Боиси, келажагимиз вористлари бўлган фарзандларимизнинг дарсликлари сифатига алоҳида эътибор талаб қилинади.

— Жорий йилда янги ўқув йили учун ижодий уйимизнинг серғайрат жамоаси, — дейди Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйининг бош директори Музроб Бўронов, — 23 номдаги, 1 миллион 500 минг нусхада мактаб ўқувчиларига мўлжалланган дарсликларни чоп этди. — Барча буюртмалар 25 августгача уддаланди.

Ўз касб-маҳорати, изланувчанлиги боис корхонанинг 200 нафардан ортиқ матбаачилари буюртмага кўра нафақат ўзбек ва рус тилларида дарсликлар, балки болажонларимизга лотин алифбосида мумтоз адабиётимиз намуналари — бадиий адабиётларни ҳам чоп этмоқда. Яқиндагина 3 минг нусхада босилган ҳазрат Алишер Навоийнинг «Хамса» достони ўқувчилар қўлига тегди.

Қувонарлиси, ижодий уй жамоаси китобсеварлар учун ташкил этиладиган туман, шаҳар ва республика миқёсидаги тадбир, кўргазма, учрашувларда фаол қатнашиб, ёшларимизнинг китоб ўқишга бўлган хоҳиш-эҳтиёжларини, талабларини доимий ўрганиб боради, талабни аниқлаб, иш юритади. Бунинг учун эса корхона ишчи-хизматчиларининг унумли меҳнат қилишлари, кўнгилли ҳордиқ чиқаришлари учун етарли шарт-шароитлар яратилганлигини алоҳида айтиб ўтиш жоиз.

Шуни таъкидлаш лозимки, маҳсулот сифати ва буюртмаларнинг ўз муддатларида адо этилиши доимий назоратда. Бу эса ютуқларда асосий омил ҳисобланиб, рақобатбардош матбаа маҳсулотларини тайёрлашда қўл келмоқда.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА
СУРАТЛАРДА: корхона фаолиятидан лавҳалар.
Наталья Семёнова олган суратлар

Қисқа сатрларда

● **ҲАМЗА** туманидаги «Жарқўрғон» маҳалласида Маънавият тарғибот маркази ҳамда «Маҳалла» жамғармасининг туман бўлимлари ҳамкорликларида маҳалла фаоллари, ёшлари иштирокида ўтказилган давра суҳбати «Конституцион ҳуқуқ ва бурчларимиз» деб номланди.

● **КЕЧА** «Камолот» ЁИҲ Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши қошидаги ўқув марказида компьютер саводхонлиги бўйича уюштирилган ўқув машғулотида Шайхонтоҳур туманидаги мактаблардан ташриф буюрган ўқувчилар иштирок этишди.

● **«УЧТЕПА»** спорт мажмуасида Учтепа туман хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан Ҳомийлар ва шифокорлар йилига бағишлаб енгил атлетика, волейбол, баскетбол, стол тенниси, шахмат, шашка бўйича уюштирилган спорт мусобақаларида тумандаги ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчи-қизлари ўзаро беллашишди.

● **«НИҲОЛ»** спорт мажмуасида Бектемир туман хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан маҳаллаларда яшовчи хотин-қизлар ўртасида уюштирилган спорт мусобақалари Ҳомийлар ва шифокорлар йилига бағишланди.

● **ЎЗБЕК** Миллий академик драма театрида иқтидорли қизлар ўртасида уюштирилган «Зулфияхоним қизлари» кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичи ўтказилди.

Ўз мухбирларимиз хабарларидан.

ХОРИЖИЙ ЭКСПЕРТЛАР ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТИВНИНГ БАЁНОТИНИ ИЖОБИЙ БАҲОЛАШМОҚДА

Мамлакатимиз жамоатчилиги ўртасида қизғин муҳокама қилинаётган Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг АҚШ Давлат департаменти томонидан Ўзбекистон «диний эркинликни таъминлаш борасида жиддий ташвиш уйғотаётган давлатлар» рўйхатига киритилганлиги муносабати билан Баёноти хорижий экспертларда ҳам катта қизиқиш уйғотди.

Хусусан, Чикаго (АҚШ) университетининг дин тарихи бўйича профессори Патрик Хатчер фикрига кўра, Ўзбекистон ташқи сиёсат маҳкамасининг Баёноти, шубҳасиз, керакли тадбир. Ўзини ҳурмат қилган мамлакат, айниқса, унинг шаънига мутлақо адолатсиз танқид билдирилганда, жавоб қилиши керак. Қизиқ, давлат департаменти ҳар йили турли мавзу ва муносабатларга доир ўз рўйхатлари, маърузалари, рейтингларини эълон қилиб боради. Демак, мана шу ёзишмаларга жавоб қилишга тўғри келади. Устига-устак департамент ҳужжатларини баъзан ўзлари кўрмаган, билмаган мамлакатлар ҳақида оддий амалдорлар ёзишини назарда тутиш лозим, деб таъкидлади эксперт.

Польшалик руҳоний, Ўзбекистондаги рим-католик черковининг собиқ роҳиби Анджей Бялекнинг фикрича, ТИВнинг Баёноти мутлақо адолатли ва ундаги ҳар бир сўз остига имзо чекишга тайёр. марказий Осиё мамлакатларидан бирортасида ҳам католиклар Ўзбекистондаги каби эътиборга сазовор эмаслар, бу ерда турли конфессияларнинг амал қилиши учун барча шароит яратилган, унинг халқи эса чинакам бағрикенгдир. Тошкент марказида католиклар даргоҳи қандай пайдо бўлганлиги ёдимда. Бу бино совет даврида омбор бўлган... Пойтахтнинг аввалги раҳбари ушбу эҳромни яратишга тўсқинлик қилганда биз Президент И.Каримовга мурожаат қилгандик, у киши бизни қўллаб-қувватлади ва тарихий бино қайта бунёд бўлди, — деб таъкидлади А.Бялек.

АҚШ ДАВЛАТ ДЕПАРТАМЕНТИ ТОМОНИДАН ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН «ДИНИЙ ЭРКИНЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ БОРАСИДА ЖИДДИЙ ТАШВИШ УЙҒОТАЁТГАН ДАВЛАТЛАР» ДЕБ АТАЛМИШ РЎЙХАТГА ЎЗБЕКИСТОННИНГ КИРИТИЛИШИ АСНОСИДА МАМЛАКАТИМИЗГА НИСБАТАН БИЛДИРИЛГАН БУНДАЙ АСОССИЗ АЙБЛОВ ЎЗБЕКИСТОНДА ВИЖДОН ВА ДИНИЙ ҲАҚ-ҲУҚУҚЛАР ЭРКИНЛИГИНИНГ ТАЪМИНЛАНИШИ ЮЗАСИДАН МАВЖУД РЕАЛ АҲВОЛ БИЛАН ТАНИШ БЎЛГАН КИШИЛАРНИНГ БАРЧАСИДА ҲАЙРАТ ВА ТААССУФ ТУЙҒУЛАРИНИ УЙҒОТДИ.

ҲАҚИҚАТ АТРОФИДАГИ ЎЙИН

Мазкур рўйхат чоп этилганидан сўнг эълон қилинган Ташқи ишлар вазирлиги баёнотини шарҳлар экан, **«Труд» газетасида халқаро бўлимининг шарҳловчиси Геннадий Чародеев** қуйидаги фикрларни билдирди:

— АҚШда ўнлаб ва юзлаб таҳлил марказлари, тадқиқот ишлари билан шуғулланадиган жамғармалар мавжудки, уларда Ўзбекистонда бирон марта ҳам бўлмаган, мамлакатнинг ўзига хос жиҳатларини билмайдиган кишилар ишлашади. Улар узоқ йиллар аввал ватанидан қочиб кетган, кўпдан бери ҳеч қандай алоқага эга бўлмаган, реал вазиятдан мутлақо бехабар бўлган «арбоблар» билан мулоқотда бўлишади. Айнан ўшаларнинг «холисона фикрлари» ва «шарҳлари» эса кўплаб жамғарма ва тадқиқот марказлари учун материал сифатида хизмат қилади. Жамғарма ва марказлар ўз олдига қўйилган вазифаларга мувофиқ, давлат тизимларига таклифларини беради. Улар Ўзбекистон ҳаёти билан боғлиқ аниқ реалликларни билишмайди ва билишни хоҳлашмайди, уларни шунчаки тўқиб чиқаришади.

Араб очиқ университети Кувайт филиали директори Фуад аль-Мекрад диний эркинликларни таъминлаш юзасидан Ўзбекистон эришган муваффақиятларни юқори баҳолади. Ўзбекистон тарихан ислом тараққиёти ривожига улкан ҳисса қўшган, буюк алломалар яшаб, ижод этган марказ бўлиб келганини қайд этар экан, кувайтлик олим Ўзбекистон раҳбариятининг бой маънавий-маданий меросни тиклашга йўналтирилган изчил қадамлари ҳозир ҳам замонавий авлод вакиллари учун катта қадр-қимматга эга эканини алоҳида таъкидлади.

— Ишончим комилки, эзгу ниятдан йироқ бўлганлар Ўзбекистоннинг диний соҳадаги улкан ютуқларига соя солишга қанчалик ва қай йўсинда ҳаракат қилишмасин, соғлом фикрли кишиларнинг барчаси диний эркинликни таъминлаш, турли диний конфессиялар вакиллари ўртасидаги муносабатларда ўзаро бағрикенглик билан ва тинчтотув яшаш юзасидан Ўзбекистон тажрибасини тўғри тушунишади ва муносиб баҳолайдилар, — деди олим.

Кувайт университетининг ижтимоий фанлар факультети ҳузуридаги «Форс кўрфази — Европа» тадқиқот марказининг раҳбари, сиёсатшунослик кафедраси ўқитувчиси Хейла аль-Мукейми Ўзбекитстонда бўлиб, бу ерда изчил ва вазмин диний сиёсат муваффақият билан рўёбга чиқарилаётганига шахсан ишонч ҳосил қилганини қайд этди.

— Ўзбекистонда турли миллат ва элат вакиллари ўзаро тинч ва аҳиллиқда яшаётгани, улар ўртасида бағрикенглик ҳамда ўзаро ҳурматнинг мавжудлиги диний эътиқод масаласида давлат сиёсатининг тўғри эканлигидан ҳамда у аҳоли томонидан тўла қўллаб-қувватланаётганидан далолат беради.

«Жаҳон» АА

ЎЗБЕКИСТОН — ТИНЧЛИК ВА БАҒРИКЕНГЛИК ДИЁРИ

БИЗНИНГ МАМЛАКАТИМИЗДА БАРЧА ДИН ВАКИЛЛАРИНИНГ ЭЪТИҚОД АМАЛЛАРИНИ ЭМИН-ЭРКИН АДО ЭТИШИ УЧУН ЗАРУР ШАРТ-ШАРОИТЛАР ЯРАТИБ БЕРИЛГАН, ДИНЛАРАРО МУРОСА ВА БАҒРИКЕНГЛИК МУҲИТИ ЖАМИЯТ ҲАЁТИНИНГ ТАРКИБИЙ ҚИСМИГА АЙЛАНГАН.

Тошкент Ислом университетида бўлиб ўтган давра суҳбатида ана шу ҳақда сўз юритилди. Унда олимлар, мазкур олий ўқув юрти ўқитувчи ва талабалари иштирок этди. Анжуман Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг АҚШ Давлат департаменти томонидан мамлакатимиз "диний эркинликни таъминлаш борасида жиддий ташвиш уйғотаётган давлатлар" деб аталмиш рўйхатга асоссиз киритилгани муносабати билан билдирган баёнотига бағишланди.

Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб тинчлик ва тотувликни сақлаш ва мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Тошкент Ислом университети ректори Ш.Ёвқочев тадбирни очар экан, Конституциямиз мамлакатимизда ислом, насроний, яҳудо, католик каби барча динлар вакиллари ўзларининг эътиқод амалларини эркин амалга оширишининг мустаҳкам ҳуқуқий кафолати бўлиб хизмат қилаётганини таъкидлади. Мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ ушбу соҳада халқаро ҳуқуқларга тўлиқ мос келадиган "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги қонун қабул қилинди. Ўзбекистон айрим хорижлик сиёсатдонлар ва оммавий ахборот воситалари зўр бериб сингдиришга уринаётган халқаро террорчиликнинг муқаддас ислом дини билан боғлиқлиги ҳақидаги уйдирмаларга қарши ҳар доим принципиал ва изчил позицияни эгаллаб келмоқда.

Ўзбекистон — дунёвий давлат, айни пайтда у ҳақли равишда ислом маданияти ва фалсафасини ривожлантиришга улкан ҳисса қўшаётган марказлардан бири ҳисобланади.

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ САККИЗИНЧИ ЙИҒИЛИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг саккизинчи йиғилиши 2006 йил 30 ноябрь куни эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ АЪЗОЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари 2006 йил 29 ноябрь куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойесида рўйхатга олинади

№ 233 (28.11.2006)

ЎЗБЕКИСТОН — ТИНЧЛИК ВА БАҒРИКЕНГЛИК ДИЁРИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Президент Ислом Каримовнинг 1999 йилдаги Фармонига асосан ташкил этилган Тошкент Ислом университетида ҳам бу борада салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Бугунги кунда у МДҲ мамлакатларида бу йўналишдаги ягона давлат олий ўқув юрти ҳисобланади. Университетнинг иккита – ислом ҳуқуқи, иқтисодиёт ва табиий фанлар, ислом тарихи ва фалсафаси факультетида 700 нафардан ортиқ талаба билим олмоқда.

Халқаро ҳамжамият Ўзбекистонда динлар ўртасида ўзаро ҳамжиҳатликка эришиш борасида катта тажриба тўплангани ва у бошқа давлатлар учун ҳам намуна бўлиши мумкинлигини кўп бор эътироф этган.

Юртбошимизнинг шу мақсадга қаратилган оқилона сиёсати мамлакатимизда диний бағрикенглик муҳитини сақлаш билан бир қаторда бутун Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорликни таъминлаш учун муҳим омил бўлмоқда. Анжуманда университет проректори Ш.Акмалов, профессор А.Жузжоний, талабалар Ш.Исломов, Ж.Каримов, А.Пўлатов ва бошқа қатнашчилар шу ҳақда гапирди.

Тадбирда АҚШ Давлат департаментининг мамлакатимизни дин эркинлигини таъминлашга риоя қилинмайдиган давлатлар рўйхатига киритгани кўпчиликни таажжубга солаётгани ва ўз тараққиёт йўлини танлаб олган ҳамда бу йўлдан оғишмай бораётган мустақил Ўзбекистонга қарши навбатдаги фитна экани таъкидланди. Бундай асоссиз таъналар ёшларимиз ўртасида маънавий-маърифий ишларни янада кучайтириш, шу орқали уларда мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлашни тақозо этади. Токи ёш авлод вакиллари ўз мамлакатининг муносиб фуқаролари, мустақил Ватанини ҳимоя қилишда собитқадам инсонлар бўлиб камол топсин.

А.ИВАНОВА,
ЎзА мухбири

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ВА СИЁСИЙ ҲАЁТИДА АЁЛЛАР ТУТГАН ЎРИН. БУ МАМЛАКАТИМИЗДА БЎЛГАН ҚУВАЙТ АЛОҚА ВАЗИРИ МАЪСУМА СОЛИҲ АЛ-МУБОРАК БОШЧИЛИГИДАГИ УШБУ МАМЛАКАТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ АЪЗОЛАРИ БИЛАН МУЛОҚОТ ЧОҒИДА АСОСИЙ МАВЗУЛАРДАН БИРИ БЎЛДИ.

Меҳмонлар бу ҳақда ўз фикрларини баён этишар экан, уларнинг барчаси Ўзбекистонда аёлларга нисбатан мавжуд бўлган эътибор ва ҳурмат-эҳтиромдан ҳайратда қолишганини қайта-қайта эътироф этдилар.

Жумладан, мазкур **делегация раҳбари аль-Муборак хоним** ўзларининг Тошкентга келгунларига қадар аёллар Ўзбекистон ҳаётида бу қадар катта ўрин тутиши ҳақида лозим даражадаги тасаввурга эга бўлишмаганини қайд этди.

— Бу ерда бир неча кун ичида ўзбек халқи оналарга, турмуш ўртоғига, опасингил, қизлари ва бувижонларига қай даражада ҳурмат-эътибор билан муносабатда бўлишини кўриб, рост ҳайратга тушдик, — деди у. — Энди биз мамлакат ҳаётида аёллар тутган ўринни, Ўзбекистоннинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий тараққиётига улар қўшаётган бебаҳо ҳиссани билиб олдик. Президент Ислом Каримов оналарга, аёллар ва опасингилжонларга қай даражада катта ҳурмат ва эҳтиром билан муносабатда бўлаётганига биз ишонч ҳосил қилдик. Унинг аёлларга ҳурмат оилага ва жамиятга нисбатан ҳурматдир, деб айтган сўзлари мутлақо ҳақиқатдир. Бугун ўзбек аёли тутган ўрин барча мусулмон аёллари учун намуна рамзидир.

Қувайт олий таълим вазирининг ўринбосари доктор Рашо ас-Сабоҳнинг айтишича, ушбу ташриф Ўзбекистон ҳукуматининг жамиятда аёллар ўрни ва аҳамиятини оширишга қаратаётган катта эътиборини намоён этди.

— Мамлакат хотин-қизлар қўмитаси раҳбари Бош вазирнинг ўринбосари лавозимида эканлиги ҳукуматда аёллар тутадиган юқори мақомдан дарак беради, — деди Рашо ас-Сабоҳ хоним. — Аёлларнинг мамлакат ижтимоий ҳаётига фаол жалб этилаётгани, бизнес соҳасида фаолият кўрсатаётгани, ҳукуматда юқори лавозимларни эгаллашгани қандай яхши. Бугун Ўзбекистонда қабул қилинаётган қонунлар бу мақомни янада мустаҳкамлашга йўналтирилгани ҳам қувончли ҳолдир.

ҚУВАЙТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ АЁЛЛАРНИНГ ЎЗБЕК ЖАМИЯТИДА МУҲИМ ЎРИН ТУТГАНИДАН ҲАЙРАТЛАНИШДИ

«Ўзбек аёллари, дугоналаримиз жамиятда тутган ўрни қалбимизни фахр-ифтихорга буркади, — деди **Қувайт университети профессори Лубна ал-Козий.** — Халқингиз ўзининг аёлларга нисбатан улкан ҳурмат-эҳтироми билан доим ном қозонган. Бу ерда бўлиб жамият ҳаётида ўзбек аёллари бебаҳо ўрин тутишига шахсан гувоҳ бўлдик. Улар эришган даража ҳар қанча таҳсинга сазовор. Ташрифимиз чоғи Ўзбекистонда аёллар мамлакат ҳаётининг барча соҳаларида қатнашаётгани, долзарб масалалар бўйича қарорлар қабул қилиниши жараёнига таъсир кўрсатиш имконига эга эканининг гувоҳи бўлдик».

Қувайт илмий тадқиқотлар институти Озиқ-овқат заҳиралари ва биология фанлари бўлими директори доктор Самира Умар Асим ҳам аёлларнинг Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги фаол иштирокини юксак баҳолади.

— Бу аёлларнинг мамлакатда жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзолари экани, ўз қобилиятларини тўла намоён этиш имконига эга эканлигидан ҳамда турли соҳалар ривожига муносиб ҳисса қўшаётганликларидан далолат беради, — деб таъкидлади Самира Умар Асим хоним.

Қувайт нефть компанияси вакиласи Фотима ал-Абдали:

— Ўзбекистон парламентида кўплаб аёллар фаолият кўрсатаётгани ва улар учун махсус квотанинг мавжудлиги менда катта таассурот қолдирди. Мен ўзим яқинда Қувайтда ўтган парламент сайловларида иштирок этдим, бироқ юртингиз аёлларидаги каби имкониятлар мавжуд бўлмагани боис депутатлик ваколатини қўлга кирита олмадим. Қувайтга қайтгач, ватандошларим билан Ўзбекистоннинг бу соҳадаги тажрибаси билан ўртоқлашиш ниятидаман.

Делегациянинг ташрифи ва унинг давомида ўтказилган учрашувлар Қувайт оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилди. Жумладан, **«Ал-Қабас»** газетасининг қайд этишича, меҳмонлар ташрифидан кўзланган асосий мақсад «Ўзбекистон билан, унинг замонавий ютуқ-муваффақятлари билан бевосита танишиш» билан изоҳланади. Нашр Қувайт олий таълим вазирининг ўринбосари Шайх Рашо ас-Сабоҳнинг қуйидаги сўзларини келтиради: «Қувайт делегацияси аёллардан ташкил топган ва шунинг учун унинг аъзолари ўзбек жамиятида аёллар тутган ўрин ҳақида, уларнинг ютуқлари ҳақида кўпроқ билишни, олим ва мутафаккирлари ислом цивилизацияси тараққиётига улкан ҳисса қўшган Ўзбекистоннинг таълим тизими билан яқиндан танишишни ният қилган эди».

Аёлларнинг Ўзбекистон жамиятида тутган ўрнига эътибор қаратар экан, **«Ал-Қабас»** мамлакат аҳолисининг 50 фоизи аёллардан ташкил топганини қайд этади. «Ишлаб чиқариш соҳасидагиларнинг 44 фоизи, таълим соҳаси ходимларининг 75 фоизи, суд-ҳуқуқ соҳаси вакилларининг 26 фоизи, қишлоқ хўжалигидагиларнинг 40 фоизи ва соғлиқни сақлаш тизимининг 18 фоиз ходими аёллардан иборат», — деб ёзади нашр.

«Ал-Сиёса» газетасида чоп этилган мақолада эса Ўзбекистон аёлларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётига жалб қилинганлик даражаси бўйича дунёда олтинчи ўринни эгаллаб тургани таъкидлангани ҳолда, бунга мустақиллик ва мамлакатда амалга оширилаётган кенг кўламли ва чуқур ислоҳотлар орқали эришилганига эътибор қаратилган.

Делегация вакиллари аёлларнинг Ўзбекистон ҳаётида тутган ўрнидан ҳайратланганини таъкидлашар экан, «Ал-Ватан» газетаси Қувайт томони икки мамлакат пойтахтлари ўртасида тўғридан-тўғри ҳаво қатновини йўлга қўйиш масаласини икки томонлама муносабатлар, айниқса сайёҳлик соҳасидаги алоқалар ривожининг муҳим омили сифатида кўраётганини маълум қилади.

«Жаҳон» АА.

СИРЛИ ОЛАМ

Жаҳон ва маҳаллий ахборот воситалари хабарлари асосида тайёрланди

● Япон мутахассислари қоғоздан юпқа бўлган аккумулятор яратишга муваффақ бўлдилар. Бунда ишчи орган сифатида қаттиқ электролитлардан фойдаланилди. Рубидий, мис, йод, хлор ва баъзи бошқа қўшимчаларни ўз ичига олувчи кукун изоляцияловчи полимер билан аралаштирилади. Олинган масса юпқа қилиб суртилади. Қаттиқ электролит оқиб кетмаслиги, одамларга зарарсизлиги ва атроф-муҳитни бузмаслиги билан ажралиб туради.

● Икра берувчи япон балиқларининг 56 мингтаси Чилининг Конжейке шаҳри яқинидаги кўлга қўйиб юборилганди. Улар икки йил мобайнида Кларо дарёсининг у бошидан бу бошигача сузиб бордилар ва жойларига қайтиб келишди. 17 йил давом этган тажриба ёрдамида Шимолий ярим шар балиқлари Жанубий ярим шарда яшай бошладилар. Олимлар япон балиқлари Чилида икра беришига ишонч ҳосил қилишди.

● Техас штатининг пойтахти Остин шаҳрида бениҳоя кўп кўршапалаклар яшайди. Улар сони 750 мингдан ортиқ бўлиб, бу борада дунёнинг бирор шаҳри у билан беллаша олмайди. Шаҳар аҳолисининг ҳар бирига иккитадан кўршапалак тўғри келади. Аҳоли кечкурун чивин ва пашшаларни ов қилаётган минг-минглаб кўршапалак галаларини завқ билан томоша қилади. Колорадо дарёси қирғоқлари кўршапалак «булутлари» билан қопланиб ётади.

● Франциядаги Брест шаҳрида Дарвин номли искович ит бокхонада хизмат қилади. Яқинда ана шу ит ўз хизматида рекорд қўйди. Голландиянинг яхтасидаги нефть ёқилғиси ичига солиб қўйилган 700 миллион франкда баҳоланувчи оғуни топиб берди. Итнинг ҳидни яхши сезиши контрабандистларни лол қолдирди.

● Хитойнинг Хунан деган жойида фақат аёллар фойдаланадиган алифбо мавжуд. У 600 га яқин иероглифлардан ташкил топган бўлиб, алифбо бундан икки аср чамаси олдин яратилган. «Аёллар ҳарфлари» мавжудлиги бундан 35 йил илгари аниқланган эди, ёзувнинг бу шакли нима сабабдан вужудга келгани маълум эмас.

● Аляскада хизмат қилувчи геологлар ўлчов асбобларидан тортилган кабелларни қандайдир номаълум ҳайвонлар ғажиб ташлаётганлигидан ташвиш тортаётган эдилар. Кузатувчилар бу иш тулкилар томондан бажарилаётганини аниқлашди. Олимлар симларнинг ташқи қаватига қайин гаримдориси суртиб қўя бошладилар. Энг аччиқ гаримдори билан ишланган кабелларни тулкилар ғажиш у ёқда турсин, ҳатто яқинига ҳам келмай қўйдилар.

● Акриламид полимери ўзининг ҳажмидан 600 баравар ортиқ ҳажмдаги сувни жойлай олади. Британиялик олимлар чўл зоналарида дарахтлар илдизлари атрофида шундай сув ютилган полимерларни жойлаштириб, тажриба ўтказдилар. Бу тажриба чўлларда ўрмонлар яратиш мумкинлигини исботлади.

● Сиёҳни бир зумда шимиб оладиган босма қоғоз қандай ихтиро қилинганлиги кўпчиликка яхши таниш бўлмаса керак. Аслида воқеа бундай бўлган эди. Англиянинг қоғоз фабрикаларидан бирида ўз хизматини адо этаётган бир киши қоғоз қилиш учун тайёрланган хамирсимон хом ашёга елим қўшишни унутиб қўйган эди. Ишчи бу хатоси учун фабрикадан ҳайдалган эди. Елим қўшилмай тайёрланган қоғоз намни ўзига жуда яхши сингдиришини тез орада пайқаб қолишади. Корхона эгаси ишнинг кўзини биладиган одам эди. У ўз корхонасидаги бутун ишни нуқул босма қоғоз ишлаб чиқаришга мослаштиради. Шу туфайли у қисқа вақт ичида ниҳоятда бойиб кетади.

● «Инсон вақтни кашф этди, «Сэйко» соати эса такомиллаштирди», — дейилади Япониядаги бутун жаҳонга машҳур соатсозлик фирмасининг маҳаллий газеталарида мунтазам пайдо бўлиб турувчи рекламасида. Балки, кимлардир бу ҳикматнинг тўғрилигига шубҳа билан қарар, бироқ японияликлар соатсозларнинг ўз маҳсулотларини иложи борича мукаммалроқ ва истеъмолчиларнинг хилма-хил талабларига жавоб берадиган қилиб тайёрлашга доимий интилишлари — ҳеч қандай шак-шубҳага ўрин қолдирмайдиган ҳақиқатдир. Японияда сотила бошланган қўл соатлари бунинг сўнгги далилидир. «Торэй» компанияси ёзги мавсумни шу соатни чиқариш билан бошлайди. Бу соатларда вақтни кўрсатадиган миллардан ташқари қуёшдан таралаётган ультрабинафша нурларининг жадаллик даражасини ўлчайдиган асбоб бор. Ўзига хос овоз сигнали эса у қуёшда етарлича тобланганидан ва агар соатнинг «маслаҳат»ига қулоқ солмаса, териси куйиши мумкинлигидан огоҳлантиради.

● Америкадаги ҳўл мева етиштирувчи хўжалик фермалари зараркунанда ҳашаротларга қарши курашда ўзига хос воситага эга бўлдилар. Бу тракторга ўрнатилган чангютар ҳисобланади. Чангютарнинг тўртта томоғи бўлиб, бир йўла тўрт қатор экинзорга ишлов бериши мумкин. Ўсимлик япроқларидан соатига 50 километр тезликдаги ҳаво оқими кучи билан тортиб олинган ҳашаротлар қурилма ичидаги парракка урилиб шу заҳотиёқ ҳалок бўлади. Мевазорларни чангютар билан тозалаш кимёвий ишлов беришни сезиларли камайтиришга имкон беради.

● Индонезиянинг унча катта бўлмаган Барбар оролининг маҳаллий аҳолиси почта маркаларини тан олмайди. Улар марка ўрнига хатжилдга қушларнинг ранг-баранг ялтироқ патларини елимлайдилар. Қизиғи шундаки, ана шундай маркали мактублар манзилгоҳига тўлиқ етиб боради ва ҳеч қандай қўшимча тўлов талаб этилмайди.

Маҳалланг — отанг-онанг

«БЕШҚЎРҒОН»НИНГ БУГУНГИ КУНИ

ЯҚИН БИР ДЎСТИМИЗ ТЎЙГА ТАКЛИФ ҚИЛДИ. ТАКЛИФНОМАДА КЎРСАТИЛГАН МАНЗИЛ БЎЙИЧА «ТУРКИСТОН» ТЎЙХОНАСИГА БОРДИК. МАРОСИМ БОШЛАНИШИГА ҲАЛИ БИРОЗ ЭРТА БЎЛГАНИ УЧУН ЭШИК ТАГИДА МЕҲМОНЛАРНИ КУТИБ ОЛАЁТГАН ТЎЙ ЭГАЛАРИ БИЛАН ҲАМСУҲБАТ БЎЛИБ ТУРДИК.

Ёшига нисбатан чаққон ва серғайрат киши биринкетин кириб келаётган меҳмонларни қаршилаб уларни ичкарига бошлар, тартиб билан жой-жойига ўтқазарди. Кейин билсак у маҳалла оқсоқоли Қобил ака Собиров экан.

— Тиниб-тинчимас инсон. Маҳалламизда ўтадиган барча тадбирларга ўзи бош-қош бўлади, — дейишди унга таъриф берган тўй эгалари.

Кўп ўтмай куёв-келин давра тўридан жой олди. Тўйни оқсоқолнинг ўзи очди. У икки ёшни бугунги унутилмас дамлар билан табриклаб, тантанага келганларни қутлагач, маросимни очиқ деб эълон қилиб навбатни санъаткорларга берди. Шундан кейин Қобил ака билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлдик.

— Мен бош бўлган «Бешқўрғон» маҳалласи Собир Раҳимов туманига қарайди, — дея гап бошлади у. — Маҳалламизда икки ярим мингдан зиёд аҳоли яшайди. Худудимиз шаҳар чеккасида жойлашган бўлиб у Ҳалқа йўли билан туташиб кетади.

Маҳалла тарихи билан қизиқдик. Нима учун унинг номи Бешқўрғон, — сўраймиз оқсоқолдан.

— Бу ерлар бир вақтлар очиқ дала бўлган. Ҳеч ким яшамаган. Айтишларича кейинчалик бу ерга бешта ака-укалар келиб бўш ерларнинг бир қисмини ўзлаштириб деҳқончилик қилишган. Улар ҳам ёзда келиб, қишда шаҳарга кетишган. Йиллар ўтиб деҳқончилик анча жонланиб қолгач, ўзларига кичик-кичик бошпана қуриб қишин-ёзин шу ерда муқим қолишган. Шу тариқа яқин-атрофда яшовчи бошқа оилалар ҳам шу ерда деҳқончилик қилиб яшай бошлашган. Шундан кейин бу ернинг номи Бешқўрғон деб атала бошлаган. Маҳалламизнинг қисқача тарихи шундан иборат, — деб сўзини тугаллади оқсоқол.

Орадан кўп ўтмай Қобил ака телефон қилиб, «Маҳалламизда қишга тайёргарлик бўйича тадбир ўтказмоқчимиз, келиб қатнашсангиз яхши бўларди», — деб қолди.

Бажонидил бу таклифни қабул қилдик. Ҳар даврнинг ўзига хос долзарб палласи бўлади. Қиш бугунги куннинг долзарб мавзуси. Унга маҳаллаларда қандай тайёргарлик ишлари олиб борилаётганини билиб



қўйиш фойдадан ҳоли бўлмайди, деган мақсадда йиғилишда қатнашдик.

Йиғилиш асосан танқидий руҳда ўтди. Камчиликлар рўй-рост очиб ташланди. Фикр ва мулоҳазалар, таклифлар асосида шу куни маҳалла оқсоқоли бошчилигида қиш мавсумини бенуқсон ўтказиш юзасидан штаб тузилди. Унга етти киши аъзо этиб тайинланди. Штаб аъзолари зиммасига жойларда камчиликларни зудлик билан бартараф этиш, қишли-қировли кунларда кеча-кундуз навбатчилик ташкил этиб, аҳолини электр, газ, иссиқ-совуқ сув таъминоти билан узлуксиз таъминлаб туриш вазифаси топширилди. Шу куни маҳаллада истиқомат қилувчи Карим Умаров, Умид Азимов, Ғайрат Ҳамидов, Раҳматилла Қодиров, Нишонбой Назаров сингари ҳомийлар мавсумий камчиликларни бартараф этишни ўз зиммаларига олдилар.

— Маҳалламизда бундай йиғилишлар тез-тез ўтказиб турилади, — дейди оқсоқол бизга. —Хусусан, жорий йилнинг ўзида турли мавзуларда ўндан ортиқ йиғилишлар ўтказдик. Улар орасида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, экстремистик оқимларга қарши, Қурбон ҳайити, Найрўз байрамларини муносиб ўтказиш, кам таъминланган оилаларга ёрдам ва ниҳоят Конституция кунига бағишланган тадбирлар шулар жумласидандир.

Маҳаллада ўтказиладиган тўй ва маросимлар ҳар чорак давомида таҳлил қилиб борилади. Тўйлар тўй ва маросимлар учун тузилган тавсияларга риоя қилган ҳолда ўтказилади.

Маҳалла аҳолиси умумҳашарларда ҳам фаол иштирок этади. Хусусан, бу йил ана шундай ҳашарлар туфайли маҳалла худудига минг туп мевали дарахтлар, 125 туп арча, 200 туп терак, 500 туп атиргул экилди. Тўрт мингдан ортиқ дарахтларга шакл берилиб, оқланди, маҳалла худуди ободонлаштирилиб, ариқлар тозаланди.

Маҳалладаги айрим ёшлар ўртасида гиёвандлик, чекиш, турли юқумли касалликларга қарши курашиш мақсадида маҳалла фаоллари ва кўча бошлиқлари мунтазам суҳбатлар ўтказиб туришади. Ҳар чоршанбада аёлларнинг худудий саводхонлигини оширишга қаратилган давра суҳбатларида ҳуқуқшунослар қатнашиб, йиғилганларнинг саволларига жавоб берадилар. Бундай хайрли ишларни амалга оширишда оқсоқолга Абдукарим Маҳмудов, Мустафо Абдуллаев, Муҳаррам Мираҳмедова сингари фаоллар яқиндан ёрдам беришади.

Маҳмуд ОРИПОВ
СУРАТДА: маҳалла фаоллари ўзаро суҳбатда

Спорт

ГИМНАСТРАДА ФЕСТИВАЛИ ЯКУНЛАНДИ

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИНИНГ ЧИРЧИҚ ШАҲРИДАГИ ОЛИМПИЯ ЗАҲИРАЛАРИ КОЛЛЕЖИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНИНИНГ 14 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАБ ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚЎМИТАСИ, МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, МИЛЛИЙ ОЛИМПИЯ ҚЎМИТАСИ, БАДИИЙ ГИМНАСТИКА ФЕДЕРАЦИЯСИ, "СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН" ХАЛҚАРО ХАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИ КАБИ ТАШКИЛОТЛАР ҲАМКОРЛИГИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН РЕСПУБЛИКА ГИМНАСТРАДА ФЕСТИВАЛИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Гимнастрада — бадиий ва спорт гимнастикаси, аэробика, акробатика, трамполин каби гимнастиканинг барча йўналишлари, фольклор, замонавий рақс, фитнес машғулотларини бирлаштирган ўзига хос спорт туридир.

Ёшу қари, эркак ва аёл, жисмоний имконияти чекланганлар ҳам шуғулланиши мумкинлиги гимнастраданинг оммавийлигини оширмоқда ва спортнинг бу тури дунё бўйлаб жадал ривожланаётир. Унинг ўзига хос хусусиятларидан бири шундаки, инсон организмининг ҳар томонлама ривожланишини ва чиниқишини таъминлайди.

Юртимизда аҳолини, айниқса, ёш авлодни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб қилиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидандир. Бу жараёнда ҳар йили мунтазам ўтказиб келинаётган уч босқичли узлуксиз спорт тизими — «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», «Универсиада» мусобақалари, Республика хотин-қизлар фестивали, марафон ва ҳар хил спорт турлари бўйича ўтказилаётган бошқа мусобақалар ўз самарасини бермоқда. Энди улар қаторига яна бир соғломлаштириш спорт тури – гимнастрада ҳам қўшилди.

Гимнастрада юртимиз учун ҳали янги спорт тури бўлса-да, жадал ривожланмоқда ва айни пайтда ўзининг кўплаб ихлосмандларига эга. Мамлакатимиз спортчилари Германия, Таиланд, Япония каби давлатларда ўтган халқаро фестивалларда фаол иштирок этиб, ўз маҳорат ва тажрибасини оширган.

Чирчиқда ўтказилган илк Республика гимнастрада фестивалида мамлакатимизнинг барча вилоятлари, Тошкент шаҳри ва Қорақалпоғистон Республикасидан 250 нафардан зиёд спортчи иштирок этди.


Икки кун давом этган тадбирда жамоалар ўзлари тайёрлаб келган ихтиёрий ва мажбурий дастурларни мухлислар ва ҳакамлар эътиборига ҳавола қилди. Спортчиларнинг мусиқа садолари остида бир-бирига ҳамоҳанг тарзда намойиш қилган турли рақс ҳамда жисмоний ҳаракатларидан иборат гимнастрада чиқишлари Чирчиқ олимпия заҳиралари коллежи спорт манежига келган томошабинларда катта таассурот қолдирди.

Фестивалнинг бош соврини — "Энг яхши намойиш этилган композиция" номинацияси бўйича ғолиблик Бухоро вилояти жамоасига насиб қилди. Алоҳида маҳорат кўрсатган спортчилардан пойтахтлик Лайло Тўраева "Энг яхши қатнашчи", Андижон вилояти жамоаси вакили Игорь Якубович "Мистер гимнастрада" номинациялари бўйича совриндор бўлди.

Анжуманда кўплаб умидли спортчилар кашф этилди ва улар гимнастрада бўйича мамлакат терма жамоасига қабул қилинади. Улар келаси йилнинг июнь ойида Австрияда гимнастрада бўйича ўтказиладиган халқаро фестивалда юртимиз шарафини ҳимоя қилади.

Гимнастрада мусобақаларининг очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Иномова иштирок этди.

З.ТОШХЎЖАЕВ,
Қ.ҚАРШИЕВ,
ЎзА мухбирлари



МАЪЛУМКИ, БУГУНГИ КУН ЁШЛАРИНИНГ ЖИСМОНАН СОҒЛОМ, МАЪНАН БАРКАМОЛ БЎЛИБ ВОЯГА ЕТИШИ ЙЎЛИДА ДАВЛАТИМИЗ ТОМОНИДАН КЕНГ КЎЛАМЛИ ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА ВА БУ БОРАДА ЗАРУР БЎЛГАН БАРЧА ШАРТ-ШАРОИТЛАР ЯРАТИЛМОҚДА.





Касаба уюшмалари фаолиятидан

ЭСДАЛИК СОВҒАЛАРИ ВА ГУВОҲНОМАЛАР ТОПШИРИЛДИ

Хусусан меҳнат аҳлининг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялаш, соғлиқ-саломатлигини тиклаш, муносиб ҳордиқ чиқаришларини таъминлашга катта ҳисса қўшиб келаётган Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши томонидан ҳам бир қатор ҳомийлик ва саховат тадбирлари юқоридаги каби хайрли мақсадлар йўлида ўтказиб келинмоқда. Яъни, Кенгаш томонидан ёшларни касаба уюшмалари ҳаракатига жалб этиш ҳамда аълочи ва жамоатчи талабаларни рағбатлантириш мақсадида 1998-1999 ўқув йилидан бошлаб ҳар йили анъанавий тарзда пойтахтдаги олий ўқув юртларининг бир гуруҳ аълочи ва жамоатчи талабаларига «Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгашининг стипендианти» гувоҳномаси ва эсдалик совғалари топшириб келинмоқда. Айтиб ўтиш жоизки, ушбу эътибор кўпчилик ёшларда катта қизиқиш уйғотди ва шу кунгача 120 нафар талаба мазкур гувоҳноманинг соҳиби бўлдилар.

— Ҳурматли ўғил-қизлар, илм толиби бўлган ёшлар, — деди жумладан тадбирда сўз олган Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши раиси Нурилла Насимов. — Сизларнинг яхши ўқиб, изланиб, бирон касб корнинг етук мутахассиси бўлиб вояга етишингиз йўлида мамлакатимизда кўплаб хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Ишонамизки мана шу юксак ишончга муносиб бўлиб вояга етасиз ва юрт ривожи учун ўзингизнинг ҳиссангизни қўшасиз.

Шундан сўнг беш нафар олий ўқув юртининг аълочи талабаларига гувоҳномалар ва беш нафар коллеж талабаларига қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди.

— Кенгаш стипендианти бўлганимдан жуда хурсандман, — дейди Тошкент Тиббиёт академиясининг 5-курс талабаси Эъзозбек Ризаев. — Бунинг учун касаба уюшмалари раҳбариятига, қолаверса Юртбошимизга ўз миннатдорчилигимни билдирмоқчиман. Албатта, ғамхўрликка жавобан келажакда малакали шифокор бўлиб етишишни ният қиламан.

— Инсонга берилган энг олий мукофот — бир оғиз ширин калом ва озгина меҳр кўрсатишдир, — дейди биз билан суҳбатда Республика ногиронлар учун касб-ҳунар коллежининг 2-курс талабаси Комила Собирова. — Бугунги тадбирдаги иштирокимиз ва бизга топширилган совға-саломлар узоқ вақт ёдимизда қолади деб ўйлайман.

Дарҳақиқат, ёшлар — келажагимиз. Уларга кўрсатилаётган ҳар бир эътибор эртамизнинг нурли кунларига пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Шоира МУҲАМЕДОВА

СУРАТЛАРДА: бўлиб ўтган тадбирдан лавҳалар.

Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар

БУ ЙЎЛ ҚАНЧАЛИК МУРАККАБ БЎЛМАСИН, УНИ ЕНГИБ ЎТИШ МУМКИН, ҚАЧОНКИ ЙИГИТ-ҚИЗЛАРИМИЗГА ҲАР ТОМОНЛАМА КЎМАК БЕРИБ БОРИЛСА ВА БУ БОРАДА ЁШЛАР ИЖТИМОИЙ ҲАРАКАТИ УЛАРНИНГ ТОМ МАЪНОДА ҲАҚИҚИЙ ТАЯНЧИ ВА СУЯНЧИГА АЙЛАНСА.

Шу кунларда «Камолот» ЁИҲнинг Марказий Кенгаши ўз Қурултойига қизғин тайёргарлик кўрмоқда. Ушбу анжуманда ҳаракат томонидан беш йил давомида амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилинади, шу билан бирга орттирилган тажрибаю эришилган ютуқлар, тўпланган таклифлар ва фикр-мулоҳазалар асосида ташкилот дастури ва Низомига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилади, унинг таркибий тузилмаси янгитдан тасдиқланади.

Ёшлар ҳақида гап борганда, катта авлод вакиллари аксарият ҳолларда «ўша, бизнинг ёшлик давримизда...» дея таққослашга тушишади. Ўйлаймизки, бундай муносабатни ёш авлод аллақачон тўғри тушуниб етган, чунки гап ўтган даврларни мақташ эмас, балки бир вақтлар бизнинг ҳам интилишларимиз, қизиқишларимиз кам эмасди, аммо бугунги каби имкониятлар бўлмаганди-да дея фикрлашида. Шунинг учун ҳам биз ҳар томонлама ўсиб-улғайиб, етук шахс бўлиб етишиши, ҳаётимизда рўй бераётган ижобий ўзгаришларда фаол қатнашиши учун барча имкониятлари бисёр бўлган бугунги давр йигит-қизларига чин дилдан ҳавас қиламиз. Зеро бу масалалар давлат сиёсати даражасига кўтарилган ва ўз амалий тасдиғини топмоқдадир.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда ёшларга оид бир қатор қонунчилик-меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Уларнинг ҳаётга изчил татбиқ этилиб келинаётгани орқали эса фарзодларимиз ўз билими ва тафаккури, яратилган шарт-шароитлар ва имкониятлар бўйича ривожланган давлатлардаги тенгдошлари билан теппа-тенгдир дейишга ҳақлимиз. Ўсиб келаётган авлоднинг ҳуқуқ ва манфаатлари Асосий Қомусимизда, «Ёшлар сиёсати тўғрисида», «Таълим тўғрисида»ги Қонунлар билан тўлиқ кафолатланган. Ўн йилдирки, уч босқичли узлуксиз таълим тизимини замонавий ўқув жараёнларида таъминлашга қаратилган Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури татбиқ этилиб келинмоқда. Бу борада, хусусан, биргина Тошкент шаҳрининг ўзида мазмун ва шакли жиҳатдан мутлақо янги тарздаги ўқув юртлари — ўсмирларга тўлиқ ўрта маълумот билан бирга академик билим ёки қизиқиши бўйича касбга эга бўлиш имкониятини яратувчи 115 та академик лицей ва касб-ҳунар коллежи фаолият юритмоқда. Ушбу дастурнинг татбиқ этилиши халқаро лойиҳалар, шу жумладан кўплаб давлатлар билан таълим соҳасида ўзаро ҳамкорлик ўрнатишга йўналтирилган лойиҳаларнинг муваффақиятли амалга оширилишига асос бўлмоқда. Бугун биз ёшларимиз ўз кучи, билим-идроки ила Россия, Япония, Буюк Британия, Жанубий Корея, Германия, Италия, Франция ва бошқа мамлакатларнинг нуфузли университетларида таълим олаётганликларини фахр-ифтихор билан айтамиз: фарзандларимиз ҳеч кимдан кам эмасдир! Ўз навбатида, Ўзбекистонда, жумладан пойтахтимизда Вестминстер ва Москва Давлат университетлари ҳамда Плеханов номли академиянинг филиаллари очилгани эса халқаро аҳамиятга эга воқеа сифатида таърифланди. Бундай нуфузли ўқув юртлари айни пайтда Марказий Осиё минтақасида ягона бўлиб, уларда нафақат ўзбекистонлик ёшлар, балки Тожикистон, Қирғизистон, Афғонистон, Хитой, Корея давлатлари фуқаролари ҳам таҳсил олмоқда. Ўрта махсус ва олий ўқув юртлари битирувчиларининг аксарияти, 90-йилларгача бўлган давр билан таққослаганда, бирон-бир хорижий тилни мукаммал ўзлаштираётгани боис бу уларга бошқа давлатлар олий ўқув юртларига қийинчиликларсиз киришига асос бўлаётганини ҳам инкор қилиб бўлмайди. Айнан шу нуқтаи назардан Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури халқаро экспертлар томонидан узлуксиз таълимнинг ўзбек модели сифатида эътироф этилаётир.

Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури ҳам узоқ муддатли бўлиб, унга асосан таълим тизимининг бошланғич бўғини — мактабларни замонавий технологиялар билан таъминлаш ҳамда шунга мувофиқ равишда педагогик кадрлар малакасини ошириш вазифалари босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Жумладан, ўтган уч йил мобайнида давлат бюджетининг ўзидан ана шу мақсадлар учун неча миллиардларга тенг маблағлар ажратилди. Улар ҳисобига республикамизнинг ҳатто чекка-чекка ҳудудларида ҳам болажонларнинг лингафон ва компьютер синфларида ўқиши, Интернет тармоғидан фойдаланиши учун имкониятлар яратилди. Тошкентда эса ушбу дастур доирасида иккита янги мактаб барпо этилди, амалдаги умумтаълим муассасаларининг 60 фоиздан зиёди тўла ва жорий таъмирдан чиқарилди.

Васийлик Кенгаши бевосита мамлакатимиз раҳбари томонидан бошқариб келинаётган Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси етук авлодни тарбиялаш борасидаги давлатимиз сиёсатининг мантиқий давомидир. Мазкур ташкилотнинг асосий мақсад ва вазифалари том маънода соғлом авлодни тарбиялашни кўзда тутади. Бу борада республикамизда ҳар йили мажмуавий тадбирлар, шу жумладан янги спорт иншоотларини қуриш ва зарур ускуналар билан жиҳозлаш ишлари амалга ошириб келинмоқда. Дарвоқе, айнан шу жамғарманинг ташкил қилиниши туфайли спорт анжомлари бўйича янги ишлаб чиқариш жараёнига асос солинди. Тошкентда эса кейинги икки йил ичида жамғарма саъй-ҳаракатлари билан 11 та туманнинг ҳар бирида иккитадан спорт мажмуаси қурилиб фойдаланишга топширилди, бундан ташқари, деярли ҳар бир мактаб, ўрта махсус ўқув юрти ва институт замонавий тарздаги спорт зали, сузиш ҳафзаси ва майдончага эга бўлди.

Ёшларимизга яратилаётган имкониятлар ҳақида кўп гапириш мумкин, лекин, назаримизда, агарда ушбу масаланинг яна бир муҳим томони — ёш авлод ҳаётида, ўғил-қизларимизнинг эзгу мақсадлари рўёбга чиқиши, комилликка интилишларида ўзининг ўрнига эга «Камолот» ташкилоти фаолиятини назардан четда қолдирадиган бўлсак, барча билдирган фикрларимизни тўлиқ ифода этолмаган бўламиз. Эслатиб ўтамиз, «Камолот» ЁИҲ бевосита мамлакатимиз Президенти ташаббуси ва раҳнамолиги остида 2001 йилнинг апрель ойида жамоат тузилмаси сифатида ташкил қилинган бўлиб, унинг асосий вазифаси ёшларни фақат ўз атрофига бирлаштириш эмас, балки биринчи навбатда ўсиб келаётган авлодни Ватанга садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш масалаларида етакчилик қилишдир. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, «Камолот» ҳаракати — бу давр талабидир. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, давлат ва жамият қурилишининг янги шароитларига ўтиш жараёнида аҳолининг турли қатлами манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ташкил топаётган жамоат институтларининг аҳамияти катта. Давлатимиз фаолиятининг устувор йўналишларидан бири — кучли ижтимоий сиёсатнинг изчил ва кенг қамровли равишда ҳаётга татбиқ этилиб келинаётганини инобатга олган ҳолда, шунингдек жамоат ташкилоти кўринишидаги бирлашмалар ҳам ўз ўрнида жамиятни демократлаштиришнинг асоси сифатида фуқаролик жамиятининг пойдеворини шакллантираётганлигини қайд этиб ўтиш ўринли. «Камолот» ўсиб келаётган авлоднинг кўплаб долзарб масалаларини ҳал этиши ва авваламбор жамиятимизда айрим номаъқул вазиятларнинг юзага келишига сабаб бўлган маънавий бўшлиқни соғлом фикр, бунёдкорлик ишларига қизиқишлари билан ҳамоҳанг бўлган янгича ҳаёт мазмуни, янгича қадриятлар билан тўлдиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган илк ёшлар ташкилотидир.

Беш йил, ўйлаймизки, нафақат ўзини намоён қилиш, балки ўз олдига қўйилган барча вазифаларни бажариш учун ҳам етарли муддатдир. Маълумотларга кўра, бугунги кунда республикамизнинг барча вилоят, шаҳар ва туманлари, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳрида ташкилотнинг 199 бўлими ва беш миллион ўғил-қизлар аъзо бўлган 17 мингга яқин бошланғич ташкилоти фаолият юритмоқда. (Эслатиб ўтамиз, бундан ташқари, «Камолот» тузилмасида 14 ёшгача бўлган болаларни бирлаштирувчи «Камалак» ташкилоти ҳам мавжуд). Бу кўпми ёки камми? Албатта, ҳаракат аъзоларининг сони катта аҳамиятга эга. Шу билан бирга уларнинг ҳаммаси ҳам «Камолот»нинг аҳамияти ва мақсадини, орзу-умидлари ҳаракатнинг биринчи галдаги вазифалари амалга оширилиши билан боғлиқ эканлигини, келажаги буюк давлат вакиллари сифатида жамият ва давлат қурилишидаги ўрнини яхши тушуниб етиши, олижаноб орзулари ҳар бир инсонга, мамлакатга ва халққа фойда келтириши лозимлигини нечоғлик мустаҳкам баҳолай олиши ҳам муҳимдир.

Нима учун биз ташкилот бўғинлари ҳамда ҳаракат аъзоларига урғу бераётирмиз? Тажрибалар шуни кўрсатадики, жамоат тузилмаларида функционал вазифаларнинг бажарилишида расмиятчилик ва бюрократик ёндошувларга йўл қўймаслик учун айнан шундай таркибий тузилма мақсадга мувофиқ, яъни асосий эътибор жойларда ихтиёрий равишда, бир киши ва кўпчилик манфаатидан келиб чиқиб мавжуд муаммоларни ҳал этиш учун аниқ шарт-шароитлар яратишга қодир бошланғич ташкилотларга қаратилиши лозимдир. Таҳлилларга назар ташлайдиган бўлсак, «Камолот» бу вазифани фақат қисман — таълим муассасалари доирасида уддалай олганлигини кўрамиз. Тўғри, аксарият 28 ёшгача бўлган ўғил-қизларимиз асосан таълим билан машғул эканликларини инобатга олмоқ керак. Аммо ёшларни иш билан банд қилиш масаласи ҳам тезкорлик билан ечимини топмоғи даркор. Ва шу маънода «Камолот» иш билан банд бўлмаган ёшларнинг имкониятларини қондириш борасида ҳозирча сусткашлик қилаётир. 2004 йилда Тошкентда 625 та бошланғич ташкилотлар тузилган, кейинги 2,5 йил ичида эса ушбу кўрсаткич 705 тага етди. Шундан 454 таси ўқув юртлари ҳиссасига тўғри келади. Меҳнат жамоаларида «Камолот» бўғинларининг ўсиш динамикаси унчалик ҳам катта эмас. Пойтахтда эса деярли барча соҳа фаолиятида ишчи-хизматчилар таркиби асосан ёшлардан иборат. Ишлаб чиқариш, транспорт, алоқа, қурилиш соҳаларида бошланғич ташкилотларни тузиш ишларини қониқарсиз аҳволда десак адашмаймиз. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар бўлимининг ахборотига кўра, йирик корхоналардан атиги 88 тасида бошланғич ташкилотлар тузилган. Пойтахтда эса 185 та йирик корхона фаолият юритади, бундан ташқари, статистика бошқармаси маълумотига қараганда, 30 мингга яқин хўжалик субъекти рўйхатдан ўтган...

«Камолот»нинг кўплаб қизиқарли лойиҳалар ташаббускори эканлигини ҳам тан олмоқ керак. Ўз фаолиятини дастлаб еттита йўналиш бўйича бошлаган ҳаракатнинг пойтахт бўлими бугунги кунда ёшларнинг асосий қизиқишларию муаммолари ва биринчи навбатда меҳнат, таълим, касбий бандлигини таъминловчи муаммоларни қамраб олган 20га яқин йўналишда ишлайди. Айниқса «Ёзни «Камолот» билан», «Ишлаб топ», «Очиқ эшиклар куни» каби лойиҳалар бутун республика бўйлаб кенг тарқалган. Турли меҳр-шафқат акциялари ҳам «Камолот»нинг доимий эътиборида. Ҳаракат фаоллари кўплаб Меҳрибонлик ва мурувват уйлари, мактаб-интернатлар тарбияланувчиларини оталиққа олган, бундан ташқари, ободонлаштириш тадбирларида ҳам мунтазам иштирок этиб келадилар. «Камолот» ЁИҲ рамзи остида ҳар хил спорт мусобақалари ва театрлаштирилган тадбирлар уюштирилади. Ватанпарварлик фестиваллари, «Истиқлол умидлари» битирувчилар кечалари, қонунлар, миллий анъана ва урф-одатларни тарғиб этиш билан боғлиқ танловлар ҳам «Камолот» анъаналаридир.

Буларнинг бари фарзандларимизга керак ва уларнинг ҳаётида катта аҳамият касб этади. Лекин барча саъй-ҳаракатларимизда ўсиб келаётган авлоднинг ўзилмас қисми, лекин ҳаётда ҳали ўз ўрнини топа олмаётганлар тақдири, айнан эътибордан четда қолаётгани боис қоидабузарлик, ҳаттоки жиноят содир этаётган, гиёвандликка дучор бўлиб қолаётган ёки ўқишдан ҳам, ишлашдан ҳам бўйин товлаб кунини бекорчиликда ўтказаётган ёшларни ҳам унутмаслигимиз керак. Қуйидаги мисолда ҳам, келинг, мавзуга очиқ-ойдин ёндошайлик. Оз бўлсада, аммо ўсмир-ёшларимизнинг айримлари дарсга ва тадбирларни ихтиёрий равишда ташкилотларни тузиш вақтини мактаб ташқарисида, аниқроғи, бозорларда ўтказаётганини инкор қилиб бўладими? Албатта, бу борада асосий масъулият биринчи галда, афсуски, ўз фарзандларининг эртанги куни, истиқболига бефарқ бўлаётган ота-оналар зиммасига юклатилган. Аммо биз, катталар, ушбу масалаларга ваколатли ва мутасадди бўлган ҳар бир киши, қачонгача бундай манзаранинг кузатувчиси бўлиб қолаверамиз? Нима учун бундай қийин, лекин долзарб масаланинг ечимида «Камолот»нинг ташаббуси сезилмаётир? Бир қарашда бу оддий манзарадек туюлиши мумкин, лекин агарда унинг олди олинмаса, охир-оқибатда шу кунгача эришган ютуқларимизга, катта ҳаракатлар билан амалга оширилаётган бунёдкорлик жараёнларига ўз салбий таъсирини кўрсатиши ҳам мумкинку!

Фарзандларимизнинг хатти-ҳаракатларидаги хатоларни фақат «Камолот» зиммасига ағдаришга ҳеч ким ҳақли эмас. Гап шундаки, бу ташкилот ўз номи, моҳиятидан келиб чиққан ҳолда жамоатчилик ҳаракати даражасига етмоғи лозим. Назаримизда, «Камолот» айнан шу нуқтаи назардан, яъни ижтимоий ҳаракат сифатида ўзини том маънода намоён эта олмади. Ташкилот ҳақида фақат ёшлар эмас, балки кўпчилик бохабар. Бунга «Ижтимоий фикр» маркази тадқиқотлари ҳам ёрқин далилдир. Бироқ амалий натижаларга эришиш учун «Камолот»нинг ҳали кўп ҳаракат қилишига тўғри келади. Мамлакатимиз Президентининг 2006 йил 10 октябрдаги «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатини қўллаб-қувватлаш ва унинг фаолият самарадорлигини янада ошириш тўғрисида»ги Қарори айнан шу мақсадда қабул қилинган. Ушбу ҳужжатда, хусусан, мазкур ташкилот томонидан ёшларнинг орзу-умидларини рўёбга чиқариш, уларга жамиятимизнинг иқтисодий янгиланиш жараёнида ўз жойини топишига кўмаклашиш борасида олиб борилаётган ишларни ижобий баҳолаб бўлмайди дейилган. Шу билан бирга ҳаракат фаолиятини ташкил этишда аксарият ҳолларда расмиятчилик, бюрократик ёндошув, кампаниябозликка йўл қўйилаётгани, улар ёшлар дуч келаётган амалий муаммолардан узоқлашиб қолгани, истеъдодли, табиий етакчилик қобилиятига эга бўлган йигит-қизларни ҳаракатга жалб этиш, уларга кўпроқ эркинлик ва ўз ташаббусларини намоён қилиши учун шароит ва имконият яратиб бериш билан боғлиқ камчиликлар ҳам жиддий ташвиш уйғотаётир. Ўсиб келаётган авлод муаммоларини ечишга қаратилган дастур ва тадбирларни амалга оширишда ҳаракатнинг ҳиссаси, ўрни ва таъсири етарли даражада эмас. Демак, ЁИҲнинг биринчи навбатда мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маданий ҳаётида самарасини ошириш лозимлигини юзага келган вазиятнинг ўзи тақозо этмоқда. Шу ўринда бир нарсани ёдга олишни ўринли деб билдик. Икки йил аввал Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларга сайловлар жараёнида ёшларни ушбу муҳим ижтимоий-сиёсий жараёнга жалб этиш, шу жумладан улар орасидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Тошкент шаҳар Кенгашига депутатликка номзодларни танлаш юзасидан кўплаб тадбирларда иштирок этиш имконияти бўлганди. Бу борада «Камолот» етакчиларидан бирининг «бизга сиёсатга аралашиш мумкин эмас» деган фикри кўпчиликни ҳайратга солганди. Изоҳ бериш ниятида эмасмиз, лекин бундай тадбирларни ўтказишдан мақсад ёшларимизнинг фаоллигини ошириш, хусусан, билимли ўғил-қизларимиз ҳам депутатлик корпусидан жой олиб, айнан ёшларга кўпроқ тушунарли бўлган долзарб муаммоларни кўтариш имкониятини яратиш эди. Қолаверса, бундай ҳуқуқ вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисидаги Қонунга мувофиқ ҳар бир 21 ёшга тўлган ўғил-қизга берилган. Лекин бундай ҳуқуқдан қисман бўлса ҳам фойдаланилдими? Агарда адашмаётган бўлсак, ўша кезда шаҳар Кенгашига фақат бир нафар 28 ёшга бўлган номзод — Тошкент Давлат юридик институти талабаси «Фидокорлар» партияси томонидан кўрсатилганди...

Бизнинг ёшларимиз айрим шахсий манфаатини кўзлаган кимсаларнинг фикрига оғишмаслиги ва шу йўсинда жамоатчилик фикрини шакллантирувчи мафкуравий қуролга айланиб қолмаслиги учун ҳар томонлама билимга, шу жумладан сиёсий билимларга ҳам эга бўлиши, мамлакатимизда ва бутун дунёда рўй бераётган жараёнларни тўғри тушуниб, уларга холисона баҳо бера олишга интилишлари даркор. Бу ҳақда яна бир бор эслатиб ўтаётганимиз бежиз эмас, албатта.

Эртага «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши кенг даврада беш йиллик фаолияти юзасидан ҳисобот беради. Фурсатдан фойдаланиб, барча ҳаракат фаолларига ишларида зафарлар тилаб, ҳар доим ўғил-қизларимизнинг орзу-умидлари ижобат бўлишида етакчи бўлиб қолишларини истаб қоламиз. Зеро Президентимиз таъкидлаганидек, «Бу ҳаракат ёшларнинг ўй-фикрлари, орзу-умидларига йўл очиб, уларнинг ҳаётий манфаатларини қатъят билан ҳимоя этиши, бошқача айтганда, давлат ва ёшлар ўртасида бамисоли бир кўприк бўлиши, давлатимизнинг ёшлар сиёсатини уларга, ёшларимизнинг ўй-ташвишларини, орзу-интилишлари ва муаммоларини эса давлат ташкилотларига етказиб туриши, уларнинг ҳақиқий ҳимоячиси бўлиши зарур».

Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА

Ёшлар — келажагимиз

«КАМОЛОТ» САРИ ИНТИЛИШИНГИЗ СЎНМАСИН

ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ

ИККИНЧИ КИТОБ



(Давоми. Боши ўтган сонларда).

Мамлакатларни фатҳ этгувчи бахтли фарзандларим ва жаҳонни идора этгувчи қудратли набираларимга маълум бўлсинким, Тангри таоло даргоҳидан умидим шулки, кўплаб фарзандларим, авлодим ва зурриётим салтанат тахтига ўтириб, мамлакатларни идора этгай. Шунинг учун салтанат қуриш, давлат тутиш бобида ўзим қўллаган ишларни бир неча тузукка[1] боғладим ва салтанатни бошқариш ҳақида қўлланма ёзиб қолдирдим, токи фарзандларим, авлодим ва зурриётимдан бўлганларнинг ҳар бири унга мувофиқ иш юритсин; меҳнату машаққатлар, кўп ҳарбий юришлар, уруш-талошлар билан, Тангрининг инояти ва ҳазрати Муҳаммаднинг, унга Тангрининг марҳаматлари ва саломлари бўлсин, толеъи баланд халқининг шарофати, онҳазратнинг улуғвор авлоди ва қимматли саҳобаларига қилган муҳаббат ва дўстлигим орқали қўлга киритган давлат ва салтанатни сақлагайлар.

Бу тузуклардан салтанат ишларини бошқаришда қўлланма сифатида фойдалангайлар, токи мендан уларга етадиган давлат ва салтанат зарару таназзулдан омон бўлгай.

Энди менинг номдор бахтиёр фарзандларим ва мамлакатларни забт этгувчи иқтидорли набираларимга йўлйўриғим шулки, мен ўн икки нарсани ўзимга шиор қилиб олиб, салтанат мартабасига эришдим. Шу ўн икки нарса ёрдамида мамлакатларни забт этиб, салтанатимни бошқардим ва салтанат тахтига зебу зийнат бердим. Улар ҳам ушбу тузукка амал қилсинлар. Менинг ва ўзларининг давлату салтанатларини эҳтиёт қилсинлар.

Биринчиси — давлат ва салтанатимга боғлаган менинг биринчи тузугим шулким, Тангри таолонинг дини ва Муҳаммад мустафонинг шариатига дунёда ривож бердим. Ҳар ерда ва ҳар вақт ислом динини қувватладим.

Иккинчиси шулким, ўн икки табақа ва тоифадаги кишилар билан мамлакатларни забт этдим, уларни идора қилдим. Давлат, салтанат устунларини ўшалар билан қувватлаб, мажлисларимни шулар билан зийнатладим.

Учинчиси шулки, маслаҳат, кенгаш, тадбиркорлик, фаоллик ва ҳушёрлик, эҳтиёткорлик билан ғаним қўшинларини енгиб, мамлакатларни ўзимга бўйсундирдим. Салтанатим ишларини муросаю мадора, мурувват ва сабр-тоқат билан юргиздим. Кўп нарсани билиб турсам ҳам ўзимни билмасликка солдим, дўсту душман билан муросаю мадора қилдим.

Тўртинчиси — давлат ишларини салтанат қонун-қоидаларига асосланган ҳолда бошқардим. Тўра ва тузукка таяниб, салтанатда ўз мартаба ва мақомимни мустаҳкам сақлаб турдим. Амирлар, вазирлар, сипоҳ, раият, ҳар бири ўз лавозим ва мартабасидан мамнун ҳолда хизматимда бўлиб, ундан ортиғига даъвогарлик қила олмади.

Бешинчиси — амирларим ва сипоҳийларимни мартаба ва унвонлар, олтин-кумуш билан хушнуд этдим. Базмларда уларга [ўз ёнимдан] ўрин бердим, шунинг учун жангларда жонларини фидо қилдилар. Дирҳам ва динорларни улардан дариғ тутмадим. Уларнинг юмушларини енгиллаштириш учун меҳнату машаққатларини ўзимга юкладим ва уларни тарбият қилдим. Амирлар, сипоҳсолорлар, баҳодирлар билан иттифоқ бўлиб, уларнинг мардлигу мардонаворлигига таяниб, шамшир зарби билан йигирма етти подшоҳнинг тахтини эгалладим. Эрон, Турон, Рум, Мағриб, Шом, Миср, Ироқи араб ва Ироқи ажам, Мозандарон, Гилон, Ширвон, Озарбойжон, Форс, Хуросон, Жета Дашти, Дашти қипчоқ, Хоразм, Ҳўтан, Кобулистон, Бохтарзамин, Ҳиндистонга подшоҳ бўлиб, ҳукм сурдим.

Салтанат тўнини кийгач, ўз тўшагимда роҳатда ухлаш ҳузур-ҳаловатидан воз кечдим. Ўн икки ёшимдан турли диёрларни кездим, ранжу меҳнат тортдим. Ҳар хил тадбирлар қўлладим, ғаним фавжларини синдирдим. Амирлар ва сипоҳийларнинг исёнларини кўрдим, улардан аччиқ сўзлар эшитдим. Лекин сабру бардош билан ўзимни эшитмаган-кўрмаганга солиб, уларни тинчитдим. Қилич кўтариб жанг майдонига отилдим ва шу тариқа дунёда ном чиқардим.

Олтинчиси — адолат ва инсоф билан Тангрининг яратган бандаларини ўзимдан рози этдим. Гуноҳкорга ҳам, бегуноҳга ҳам раҳм-шафқат билан, ҳаққоният юзасидан ҳукм чиқардим. Хайр-эҳсон ишларим билан одамларнинг кўнглидан жой олдим. Сиёсат[2] ва инсоф билан сипоҳийларим ва раиятни умид ва кўрқинч орасида тутдим. Фуқаро ва қўл остимдагиларга раҳмдиллик қилдим, сипоҳийларга иноъомлар улашдим.

Золимга қарши мазлум додига етдим. Золим етказган моддий ва жисмоний зарарларни исботлаганимдан кейин, уни шариатга мувофиқ одамлар ўртасида муҳокама қилдим ва бир гуноҳкорнинг ўрнига бошқасига жабр-зулм ўтказмадим.

Менга ёмонликлар қилиб, бошим узра шамшир кўтариб, ишига кўп зиён етказганларни ҳам илтижо билан тавба-тазарру қилиб келгач, ҳурматлаб, ёмон қилмишларини хотирамдан ўчирдим. Мартабаларини оширдим. Улар билан муомалада шундай йўл тутдимки, агар хотираларида менга нисбатан шубҳаю қўрқув бўлса, бутунлай унутишар эди.

Еттинчиси — сайидлар, уламо, машойих, оқилу донолар, муҳаддислар, тарихчиларни сара, эътиборли одамлар ҳисоблаб, иззату ҳурматларини ўрнига қўйдим. Шижоатли кишиларни дўст тутардим, чунки Тангри таоло жасур кишиларни ардоқлайди. Уламо билан суҳбатда бўлдим ва пок ниятли, тоза қалбли кишиларга талпиндим. Буларнинг ҳимматларидан улуш тилаб, муборак нафаслари билан дуо-фотиҳа беришларини илтимос қилдим. Дарвиш, фақир ва мискинларни ўзимга яқин тутдим, уларнинг кўнгилларини оғритмадим ва бирон талабларини рад этмадим. Бузуқи ва оғзи шалоқ, ғийбатчи одамларни мажлисимга йўлатмадим, сўзларига амал қилмадим. Бирор кимсага туҳмату ғийбат қилсалар, қулоқ солмадим.

Саккизинчи — азму жазм билан иш тутдим. Бирор ишни бажаришни ўйласам бутун зеҳним, вужудим билан боғланиб, битирмагунимча ундан қўлимни тортмадим. Ҳар неки десам унга ўзим амал қилдим. Ҳеч кимга ғазаб билан қаттиқ муомала қилмадим ва ҳеч бир ишда танглик қилмадим, токи Тангри таолонинг газабига дучор бўлмайин ва ишимни бузиб, ҳолимни танг айламасин деб. Одам Атодан бошлаб Муҳаммад пайғамбаргача, улардан то ҳозирги дамгача ўтган султонларнинг қонунларини ва туриш-турмушларини донолардан сўраб-суриштирдим. Ҳар қайсиларининг йўл-йўриқлари, туриш-турмушлари, қилиш-қилмишлари, айтган гапларини хотирамда сақладим ва яхши ахлоқлари, маъқул сифатларидан ўрнак олиб, унга амал қилдим. Давлатларининг таназзулга учраши сабабларини суриштирдим ва давлату салтанат заволига сабаб бўлувчи ишлардан сақландим, наслни бузувчи, очарчилик ва вабо касали келтирувчи зулм ва бузуқчиликдан сақланишни ўзимга лозим билдим.

(Давоми бор).

1 Тузук — қонун; туркий халқлар орасида амалда бўлган қонун-қоидалар.

2 Бу ерда жазолаш маъносида.

Ўз-ўзи ўлгани яхши доно бўлур...

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

ИККИ ОЛАМ НАЖОТИ БЎЛГАН ТЎҒРИЛИК ҲАҚИДА

Шартлардан биридир тўғрилик, эй дўст,
Эгридан бир куни шилинажак пўст.
Рост гапир, тўғри бўл ва тўғри ўтир,
Тўғри юр, тўғри тур ва тўғри хотир.
Бир дил бўл, бир томон ва битта юзли,
Бу йўлдан чиқма ҳеч, бўлгин бир сўзли.
Тўғрилик ҳақ йўлга сени йўллагай,
Худога ялинсанг доим қўллагай.
Тўғрилик келтирар дунёвий фойда,
Ухравий фойда ҳам бордир бу жойда.
Тўғри бўлиб, тўғри қўйсанг оёқни,
Ўсасан, емайсан асло таёқни.
Тўғри бўлсанг ўқинг тегар нишонга,
Эгрининг ишлари балодир жонга.
Тўғри бўлсанг агар мақсадинг ҳосил,
Ростликдан ҳар ишга бўларсан восил.
Кўнгил эгри бўлса бошга тегди тош,
Тўғри одам бўлди мақсадга йўлдош.
Тўғри сўзли бўлиб, бўлганда вафо,
Унга доим мадад айлагай Худо.
Ростгўй бўлсанг агар муҳташам бўлдинг,
Ёлғон гапирдингми, қадри кам бўлдинг.
Битта ёлғон сўзни деганинг замон,
Бошга лаънат ёғар мисоли бўрон.

МАҚСАДЛАРГА ЕТИШИШНИНГ САБАБИ БЎЛГАН САБР ҲАҚИДА

Мазкур сифатлардан биттаси сабр,
Мақсадга етаклар каттаси сабр.
Кимда сабр бўлса у Ҳаққа етди,
Аллоҳ ўзи учун уни дўст этди.
Дурдек сабр қилсанг агар тош ичра,
Қадринг улуғ бўлар барча бош ичра.
Сабр билан агар қуримаса қон,
Оқу киндигида мушк бўлар қачон.
Сабр қилсанг агар комга етарсан,
Бесабрлик қилсанг домга етарсан.
«Ибширу, ибширу ли-ман сабара,
Иннаҳу ман сабар фақод зафара».
Сабр айламаса агарким сайёд,
Ўқи тегмай, ови бўлади барбод.
Сабр хислатини айласанг одат,
Секин-аста қўлга келар саодат.
Анбиё, қарагин, чун сабр қилди,
Мартаба байроғин фалакка илди.
Одам Ато ундан тавбага етди,
Нуҳтўфон ғамидан қутилиб кетди.
Иброҳимдек сабр қилсангиз пеша,
Намруднинг норидан бўлмас андеша,
Аййуб сабр қилган эди балога,
Ҳақ раҳм айлади бу мубталога.
Мусо солган эди сабрни дилга,
Душмани ғарқ бўлди дарёйи Нилга.
Исо сабр билан осмонга чиқди,
Юсуф сабр билан Мисрни йиқди.
Саррвари коинот Расули акрам,
Расуллар ичида шоҳи мукаррам,
Сабр қилди изо берганда Қурайш,
Аччиқдан қутилиб, топди ширин айш.

ҲАЁТНИНГ ОБРЎЙИ БЎЛГАН ОДОБ ҲАҚИДА

Ўшал сифатдан биридир одоб,
«Асриъу жонибиҳи ҳайя», аҳбоб.
Адаб шулки, доим тиярсан қўлни,
Ёқимсиз томонга солмассан йўлни.
Адаб шулки, ўзни доим сақларсан,
Барчанинг ҳурматин оқлаб, ёқларсан.
Адаб бу обрўдир, комил инсоний,
Беадаб нимадир, феъли ҳайвоний.
Беадаб Худонинг лутфидан маҳрум,
«Ло тажолис маъаҳ фаиннаҳу шум».
Қандайин ғам келса бетарабликдан,
Барчаси келади беадабликдан.
Иблиским, беадаб бир қадам қўйди,
Бир умр ўзига қайғу-ғам қўйди.
Худойим ҳар кимдан олди одобни,
Ҳақиқат бекитди унга ҳар бобни.
Адабли шарафдан етолди моҳга,
Беадаб ғазабдан қулади чоҳга.
Эй сиз, биродарлар, ушбу жаҳонда,
Авлиё адабин сақланг ҳар онда.
Тарки адаб бўлса гар авлиёга,
Ўзини ташлагай жабру жафога.
Адаб билан киши етар муродга,
Худо айлантирар бағрин ободга.
Адабдан топарсан яхши деган ном,
Шодликда бўларсан доим, вассаллом.

Маҳмуд ҲАСАНИЙ тайёрлаган

Тошкент шаҳридаги «Ўзбекинвест» экспорт-импорт миллий суғурта компанияси томонидан Акобирова Умида Низамиддиновна номига берилган Полис № 03/0411 28821 рақамли, серия рақами А 098419 бўлган суғурта ҳужжати йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент Давлат тиббиёт академияси томонидан 2006 йил 16 октябрда Махсудова Муҳайё Мансурова номига берилган В.Л. 007231 рақамли, регистрация рақами 319 бўлган академик маълумотномаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Футбол

ТЕРМА ЖАМОАМИЗ ТАРКИБИ КУЧАЙТИРИЛДИ

АВВАЛ ХАБАР БЕРГАНИМИЗДЕК, 1 ДЕКАБРДАН 15 ДЕКАБРГАЧА ҚАТАР ПОЙТАХТИ ДОХА ШАҲРИДА ОСИЁ ЎЙИНЛАРИ ЎТКАЗИЛАДИ. УШБУ НУФУЗЛИ ТУРНИРНИНГ ФУТБОЛ БЕЛЛАШУВЛАРИДА ВАТАНИМИЗ ШАРАФИНИ АСОСАН 23 ЁШГАЧА БЎЛГАН ЁШ ЧАРМ УСТАЛАРИ ҲИМОЯ ҚИЛИШАДИ.

Осиё ўйинларида 1994 йилдаги анъанани такрорлаш, яъни ғолиб бўлишни ният қилган Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси мусобақаларга жиддий ҳозирлик кўриш мақсадида эстониялик тенгқурлари билан ўртоқлик учрашувида куч синашганлиги ҳақида хабар бергандик. Дастлабки баҳсда 2:0 ҳисобида ғалаба қозонган футболчиларимиз иккинчи учрашувда дуранг натижа қайд этишди. 90 дақиқа мобайнида қизиқарли кечган беллашув 1:1 ҳисобида якунланди. Дарвоқе, терма жамоамиз таркиби кучайтирилди. Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси мураббийларининг қарорига кўра Ўзбекистон миллий терма жамоасининг моҳир футболчилари — Жепаров, Аликулов, Копадзе ёшлар сафида Дохадаги мусобақаларда иштирок этишади.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

Муҳокама учун мавзу

ФАРЗАНДИНГИЗ ЧАПАҚАЙ БЎЛСА...

МИЯМИЗНИНГ ЧАП ЯРИМ ШАРИ ЁРДАМИДА ЎҚИЙМИЗ, МАНТИҚИЙ МАСАЛАЛАРНИ ЕЧАМИЗ, ЯНГИ ҒОЯЛАРНИ БАҲОЛАЙМИЗ, ЎЗ ФАОЛИЯТИМИЗНИ РЕЖАЛАШТИРАМИЗ, КЕЛАЖАКНИ БАШОРАТ ҚИЛАМИЗ. МИЯМИЗНИНГ ЎНГ ЯРИМ ШАРИ ОРҚАЛИ ЭСА ОБРАЗЛАР ВА КУЙЛАРНИ ФАРҚЛАЙМИЗ, РАНГЛАРНИНГ ТУРЛАРИНИ ФАҲМЛАЙМИЗ, ЧЕҲРА ВА ТОВУШЛАРНИ АЖРАТА ОЛАМИЗ, ШУНИНГДЕК, ОРЗУ ВА ХАЁЛОТГА БЕРИЛАМИЗ.

Чапақайлик ва ўнақайлик мавзуси шу қадар муҳим ва серқирраки, унинг моҳиятини очиб бериш учун битта мақола кифоя қилмайди. Кўпинча: «Бир ота-онадан ҳар хил болалар дунёга келади», деган ибора қулоққа чалинади. Бунда, одатда уларнинг мижози, табиати, шахсий қизиқишлари, қобилиятлари назарда тутилади.

Мен мактаб ўқувчиси Муроджон Назаров билан суҳбатлашганимда у қуйидагиларни гапириб берди: «Мен чапақай эдим. Болалигимда бу ҳолатдан унча ҳам уялмасдим, у атрофимдагилар-ни ҳам безовта қилмас эди. Лекин биринчи синфга борганимда мени узоқ вақт зўр бериб ўнг қўлда ёзишга ўргатишди. Сирасини айтганда, муаллима масаланинг моҳиятини англаб етмай, миям ишини қайта қурмоқчи бўлди. Афсуслар бўлсинки, ўшанда ота-онам менинг чапақайлигимни сақлаб қолиша олмасди, қайта ўрганиш менинг ҳаётим ва ўқишимда жуда кўп ташвиш келтириб чиқарди. Қайта ўрганиш чапақайликнинг ижобий эмас, балки муаммоли жиҳатларининг тобора кучайишига олиб келди. Ўшанда ота-онам чапақайларнинг олам билан ўзига хос муносабатлари бўлишини тасаввур ҳам қилмаган эдилар, афсуски муаллимлар ҳам бундан бехабар бўлишган, шекилли...» Ҳа, ҳаётимизда баъзан шундай воқеалар ҳам учраб туради.

Хўш, ҳозир аҳвол қандай? Ота-оналар, тарбиячилар ва муаллимлар чапақайликка қандай қарайдилар?

Шуни афсус билан қайд этиш жоизки, бугунги кунда ҳам катталарнинг кўпчилиги чапақайликнинг моҳиятига тушуниб етмай, боланинг ҳаётини мураккаблаштирган ҳолда уни ўнақайликка ўргатишга ҳаракат қилишади. Бу эса, ўз навбатида, хавотирланишнинг кучайишига, уйқунинг тез-тез бузилиб туришига, жисмоний ўсишнинг сусайишига олиб келади. Болаларнинг чапақайлиги муаммоларини катталар тушуниб етмаслиги, уларнинг ўзига хос хусусиятларини инкор этиш чапақайларнинг ўз-ўзига баҳо беришининг суслашувига, мактабга кўникишнинг издан чиқишига, хулқ-атворнинг мароми бузилишига олиб келиши мумкин.

Муаллимларга «Чапақай болани шоширманг, вазифа ва дарсларни бажаришни қатъий тартибга солиб қўйманг. Чапақайлар шахсига ўзингизнинг салбий муносабатингизни билдирмасликка ҳаракат қилинг», дея таъкидлаш фойдадан холи бўлмайди.

Ота-оналар шуни зинҳор унутмасликлари керакки, уларнинг фарзанди ўзига хос хусусиятга эга, ўзларига алоҳида эътибор қаратишни ва уларни тушунишларини жуда-жуда хоҳлашади.

Нозимахон АКРОМОВА, Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети Халқаро журналистика факультетининг 1-босқич талабаси

ЯҚИНДА АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИДА «КУЙЛА, ЁШЛИГИМ!» ДЕБ НОМЛАНГАН АДАБИЙ-БАДИИЙ, ИЖОДИЙ МУСИҚАЛИ КЕЧА БЎЛИБ ЎТДИ.

Санъат

«КУЙЛА, ЁШЛИГИМ!»



Тадбирни институтнинг «Халқ бадиий ижодиёти» факультети уюштирди. Унда Халқ ашула ва рақс ансамбли ташкилотчиси бўлими иккинчи курс талабаси Моҳира Бобожонова ўзбек ва қорақалпоқ халқ қўшиқларини маромига етказиб ижро этди.

—Институтимизда талабалар ижросидаги бундай ижодий мусиқали кечаларни доимий равишда уюштириб боришни режалаштириб олдик, — дейди институт проректори Абдухалил Маврулов.— Бундан кўзланган мақсад, аввало талабанинг ўзига бўлган ишончини янада ошириш, энг иқтидорли овоз соҳибларини танлаб, уларга йўлланмалар бериш ва шунинг баробарида, уларни рағбатлантириб боришдан иборатдир.

Моҳира Бобожонова халқ қўшиқ ва лапарларини куйлаш билан бирга ўзбек бастакорлари басталаган қўшиқларни ҳам маромига етказиб ижро этди.

—Моҳира факультетимиздаги энг истеъдодли талабалардан ҳисобланади, —дейди хонанданинг устози Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Матлуба Дадабоева. —У биринчи ўринда ижро этаётган қўшиқлари-



нинг оҳанг, мазмун ва маъносига эътибор қаратади. Айниқса халқ қўшиқларини ўзгача бир меҳр билан куйлайди. Унинг келажакда моҳир санъаткор бўлиб етишиб чиқишига ишонамиз.

Шунингдек, ижодий-бадиий кечанинг мазмунли ва мароқли ўтишини таъминлашда бадиий раҳбар — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Раҳматжон Турсунов, мусиқа раҳбари Аҳмаджон Дадаев, саҳналаштирувчи режиссёр Ҳусан Мирпўлатовлар яқиндан туриб ёрдам бериб Моҳира Бобожоновани қўллаб-қувватлаб туришди.

Кечада институтнинг профессор-ўқитувчилари ва талабалар иштирок этдилар.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА
СУРАТЛАРДА: адабий-бадиий кечадан лавҳалар

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

«ТОШАВТОБУСТРАНС» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ ТАРКИБИДАГИ:

«Биринчи автокорхона» ОАЖ — З.Шамсутдинова кўчаси, 3-уй, Тел. 390-28-91.

«2-автобус саройи» ОАЖ — Паркент кўчаси, 263-уй, Тел. 196-57-41.

«3-автобус саройи» ОАЖ — Мирпўлатов кўчаси, 57-уй. Тел. 398-69-17.

«4-автобус саройи» ОАЖ — Чоштепа кўчаси, 27-уй. Тел. 50-01-67.

«5-сон автокорхона» ОАЖ — Борданкўл қўрғони. Тел. 195-43-89.

«7-автокорхона» ОАЖ — Халқлар Дўстлиги шоҳкўчаси, 49-уй. Тел. 79-95-31.

«8-сонли автосарой» ОАЖ — Муродова кўчаси, 7-уй. Тел. 124-06-07.

«12-автобус саройи» ОАЖ — Спутник кўчаси, 12-уй. Тел. 58-80-26.

«18-автобус саройи» ОАЖ — Катта ҳалқа йўли кўчаси, 8-а уй. Тел. 397-03-48.

2519-автожамланма — Иркутск кўчаси, 20-уй, Тел. 65-17-59.

Автобус саройлари автобусларини бошқариш учун Тошкент шаҳрида доимий рўйхатдан ўтган «Д» тоифали ҳайдовчилар ва кондукторларни

ИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

Ҳайдовчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақи, ишбай усулда 150-220 минг сўмни, кандукторларники эса 95-110 минг сўмни ташкил этади. Шаҳримиз аҳолиси ва меҳмонларининг узоғини яқин қилишдек шарафли ишга ўз ҳиссангизни қўшишга таклиф этамиз.

«Тошавтобустранс» АК маъмурияти.

Мунажжим башорати

ОИЛАВИЙ АНЪАНАЛАР КУНИ

29 НОЯБРЬ, ЧОРШАНБА

БУГУНГИ КУН ТАВСИФИНИ МУНАЖЖИМ Л. НЕВЕДОМСКАЯ ИЗОҲЛАРИ БИЛАН БОШЛАЙМИЗ. ОЙ ТАҚВИМИНИНГ ЎНИНЧИ КУНИ, ДЕЙДИ У, УЙ-РЎЗҒОР ИШЛАРИ ВА ОИЛАВИЙ АНЪАНАЛАРНИ МУСТАҲКАМЛАШ БИЛАН БОҒЛИҚДИР. ШУНИНГ УЧУН БУГУН ЯҚИН ҚАРИНДОШ-УРУҒЛАР ДАВРАСИДА ДАМ ОЛИШ ХАЙРЛИ БЎЛАДИ. МАБОДО, ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЗАРУРАТИ СИЗНИНГ ИШХОНАДА БЎЛИШИНГИЗНИ ТАҚОЗО ЭТСА, ҲЕЧ БЎЛМАГАНДА, ЯРИМ СОАТГА БЎЛСА ҲАМ ТУШЛИКДА БУТУН ОИЛА АЪЗОЛАРИНГИЗНИ ДАСТУРХОН АТРОФИГА ТЎПЛАШГА ҲАРАКАТ ҚИЛИНГ.

Бугун янги ишга қўл уриш ҳам мумкин. Лекин фақат кундуз соат бирдан кейин унга киришганингиз маъқул. Саёҳатга йўл олиш, ҳужжатларни имзолаш ва қурилиш-таъмирлаш ишлари билан шуғулланиш мумкин. Харидлар қилиш, айниқса, катта пулга харидлар қилиш тавсия этилмайди.

Кун ўзаро яраши, оилавий можароларни барҳам топтириш ва келишмовчиликларни бартараф этиш, қариндошлар билан дийдорлашиш учун қулай ва хайрли келади. Қимматбаҳо тошлардан ясалган ва маъдандан ишланган маҳсулотларни сотиб олиш омадингиз келишида омил бўлиши мумкин.

Агар уй ҳайвонлари сизга нисбатан жаҳлдор бўлишса – бу ноҳушликларга ишора – айрилиқ, муҳаббатдаги ташвишлар белгиси ҳисобланади. Тасодифан сутни тўкиб юбориш, яна тасодифан болалар ўйинчоғини топиб олиш куннинг яхшилик аломатларига киради.

Кийимларнинг ёркин бўлмаган, ҳимоя ранглиларини танлашга ҳаракат қилинг.

2006 йилнинг 24 ноябридан — 2006 йилнинг 17 декабригача

«Ўзбек Давлат цирки» республика бирлашмаси Тошкент Давлат цирки

ЦИРК

ФАҚАТ 9 КУН

КИНГ ВА ЙЎЛБАРСЛАР ҲАВО АТТРАКЦИОНИ «Оқ қушлар»

Дастурда ўргатилган ҳайвонлар: АЙИҚЛАР, ЧАВАНДОЗ МАЙМУНЛАР, ПАКАНА ОТЛАР ВА ЭШАКЛАР шунингдек, ЖОНГЛЁРЛАР, КЎЗБОЙЛОҒИЧЛАР ВА ҚУВНОҚ МАСХАРАБОЗЛАР ИШТИРОК ЭТАДИ

ШОШИЛИНГ! ҚЎНҒИРОҚ ҚИЛИНГ! КЕЛИНГ!

Томошалар: шанбада соат 12.00 ва 13.00да, якшанбада, 12.00, 15.00 да, 8 декабрда соат 15.00 да бошланади.

Жадвалда ўзгаришлар бўлиши мумкин.

Чипталар цирк кассаларида ва туман кассирлари томонидан сотилмоқда.

Ҳақ турли шаклда тўланиши мумкин.

Касса эрталабки соат 9.00 дан ишлайди.

Маълумотлар учун телефонлар: 144-35-91, 144-35-94, 144-32-23.

Педиатрия илмий-текшириш институти ва клиникаси жамоалари бўлим бошлиғи Оқила Ҳакимовна Назировага онаси

Фарида ая НАЗИРОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

«TOSHKENT SHAHAR TELEFON TARMOG'I» АБОНЕНТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Диққат! Интернетдан юзага келаётган хавф!

Тошкент шаҳар телефон тармоғи абонентлари дуч келаётган муаммолардан бири, бу уларнинг ўз сўзларига қараганда, амалга оширмаган халқаро сўзлашувлар учун юборилади-ган тўлов счётларидир. Бу ерда гап халқаро провайдерлар телефонларига ўзлари билмаган қўнғироқлар ҳақида кетмоқда. Яъни Интернет тизимидан фойдаланувчи нотаниш сайт бўйича ҳаракатланади. «Сичқонча»ни босиш орқали таклиф этилаётган «манзил»-лардан фойдаланган холда битта саҳифадан бошқасига ўтади. Манзиллардан бирини босишидан сўнг унинг компьютерига хорижий провайдерга эгаси билмаган автоматик қўнғироқли дастур ёзилади. Сўнг маҳаллий провайдердан узилиб, бундан буёғига хорижийсига автоматик уланиш рўй беради.

Интернетдан фойдаланувчи ўзининг яхши кўрган сайтларини ўрганаётган чоғда, унинг телефондан хорижий мамлакатларга қўнғироқ кетади. Бу айнан юқоридаги айтганимиз халқаро сўзлашув бўлиб, шубҳасиз ушбу қўнғироқ учун счёт келади. Худди шундай ҳолат электрон почтада рўй берадиган шубҳали файлларнинг очилишига ҳам тааллуқлидир.

Интернет абонентларига тавсиялар:

Биринчидан агарда Сиз Интернет тизимида ишламаётган бўлсангиз телефон линиясини модемдан ўчириб қўйиш керак;

Иккинчидан, ташқи модемни ўчириб қўйиш керак;

Учинчидан, худди парол бўйича халқаро алоқа каби ўз телефонингизга ДВО хизматини ўрнатишни тавсия этамиз;

Тўртинчидан, Интернетдаги бизнинг абонентларимиз учун «TshTT» сайтида жойлашган «Шахсий хона» орқали ўз паролингизни вақти-вақти билан ўзгартириб туришни жуда-жуда тавсия этамиз;

Бешинчидан, сиз билмайдиган ва унинг келиб чиқиши «хайрли» эканлигига кўзингиз етмайдиган дастурларни Интернетдан олманг.

Хулоса сифатида шуни эслатиб ўтишни истардикки, абонентларга уларнинг ўзлари томонидан ҳисобга олинган ахборотларнинг фош этилиши орқали етказилган зарар учун жавобгарликни абонентнинг ўзи зиммасига олади.

Ўз таклиф ва мулоҳазаларингизни Сиз Интернет тармоғидан фойдаланувчилар билан ишлайдиган абонентлар бўлимига 152-29-90 телефони орқали, маркетинг бўлими, 136-73-43, e-mail abonotdel @ tshtt.uz га юборишингиз мумкин.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
Буюртма Г- 1307

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 2174 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига еки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 6